# 1998 йил — Оила йили

*Одамийлик сабоқлари*

## ЯХШИ ОДАТ–ФАЗИЛАТ

***Одат ва қилиқ бирон нарсани бажариш, одамлар орасида ўзини тута билиш услубидир. Шунинг учун яхши одат ва қилиқлар одоб маданиятининг муҳим белгиси ҳисобланади. Масалан, ҳеч кимга қулоқ солмасдан, бировга гап бермасдан сўзлаш, маҳмадоналик бўлса, овқатни очкўзларча ва чапиллатиб ейиш, оғзида таом билан гапириш баднафсликдир.***

Шошиб-пишиб, поймапой ҳаракат қилиш, ҳовлиқиш, гердайиш, сохта сипогарчилик, ясама хатти-ҳаракат, сурбетлик, шилқимлик ва қўрслик — буларнинг ҳаммаси одобсизликдир. Атрофдагиларнинг ғашини келтирадиган ёки ўзини кулгили аҳволга солиб қўядиган — бурун кавлаш, бош қашиб гаплашиш, бегона кишининг нарсаларига тегиш, бирон нарсани қўлда эзиш ёки ўйнаб туриш каби одатлар фаросатсизликдир. Эснок келганда қайтариш, йўтал тутганда, акса урганда дастрўмол тутиш ва акса урган кишига эътибор бермаслик керак. Сўзлашганда суҳбатдошининг қўлини ушлаш ёки елкасига қўлини ташлаш, кийимидаги тугмасини ўйнаш ярамайди.

Кундалик ҳаётимизда айрим одатларни қилиқ деб атаймиз. Масалан, қўлни чўнтакка солиб юриш, тирноқни тишлаш, сақич чайнаб юриш, жамоат жойларида писта чақиш ва ҳоказолар ёмон қилиқ дейилади. Бундай кишилар қилиғини халқ «ёмоннинг бир қилиғи ортиқ» деб қоралайди. Доимо шундай беъмани қилиқлар билан дилозорлик қилиб юрганларга «Қилиғи совуқ», «Илондек совуқ», «Сўхтаси совуқ», «Шумғиздек лўп этиб ёндан чиқиб қолди» деган иборалар ишлатилади. Айрим қилиғи совуқ кишиларга нисбатан, «текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юради», деган ибора ишлатилади. Маълумки, текканга тегиш табиий нарса. Аммо тегмаган одамга тегиш ғайри-табиий қилиқдир. Шум табиатли, хира, шилқим, иғвогар кишиларга шу иборалар ишлатиб келинади. Чунки бундай кишилар ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олади.

Озодалик, бежирим кийиниш, шаҳдам қадам ташлаб юриш, равон нутқ, осойишталик билан гапириш, ўзини ҳар доим эркин ва вазмин тутиш ва бошқалар яхши одатлардир.

Стол ёнида ялпаймасдан, тирсакни столга қўйиб унга суянмасдан, столдан анча узоқлашмасдан ўтириш яхши одат. Пичоқ, вилка ва қошиқ ўрнида ишлатилмоғи шарт. Масалан, овқатни пичоққа санчиб ейиш ёки қошиқни туздонга солиб туз солиш ярашмаган қилиқ. Катта бўлак нонни тишлаб ейиш, узумни шингиллаб узиб олмасдан, доналаб узиб олиш, балиқ суяклари ва мева данакларини дастурхонга ташлаш ҳам ярашмаган қилиқ.

Турмушда учрайдиган ҳолатнинг барчаси учун тайёр қоидаларни топиш амри маҳол. Барча халқларда, элат ва миллатларда расми одат бўлиб қолган одоб — қоида ва нормалар борки, уларга риоя қилиш тарбия кўрган барча кишилар учун мажбурийдир. Қаерда бўлмасин ҳамма жойда ва ҳамма вақт — кишилар орасида, уларнинг назар-эътиборида юришимизни ёддан чиқармаслигимиз зарур. Атрофимиздагиларга ноқулай вазиятни туғдириб қўймаслигимиз, иззат ва обрўйимизни сақлашимиз, самимий ва ёқимтой бўлишимиз лозим.

Эҳтимол, айрим кишиларга, айниқса, ёшларга бу сўзлар кулгили туюлар. Ахир, улар қандай юриш-туриш, ўзини тута билишни билмайдилар дейсизми? Албатта биладилар. Аммо бу ерда гап чиройли юра билишга, қадди-қоматни, адл тутиб, чиройли тура билишга, чиройли гапира билишга ўрганиш, унга одатланиш устида бораётир. Кўплар бўлса, буларни билмайди. Масалан, юқорида айтганимиздек, баъзилар лапанглаб, қўл силтаб ёхуд елкасини чиқариб юрадилар, қўлларини чўнтакка солган ҳолда гапирадилар, стулда оёқларини чалиштириб ўтирадилар ва ҳоказо. Баъзи аёллар кишилар орасида ўзларига оро бериб пардоз-андоз қиладилар. Булар яхши одатлар эмас. Бундай кишиларнинг ҳимоячилари ҳам топиладилар. Улар «Ўрганиш», «Тарки одат — амри маҳол» дейдилар. Уларни бундай тарзда ҳимоя қилиш янада беюзликка ундайди.

Ўзини тута билиш, яхши одатларга амал қилиш тартиблари, одоб сақлашнинг хилма-хил қоидалари анча кўп. Шунинг учун — уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин ва бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Бу ўринда шуни ёддан чиқармаслик кераккки, уларни амалга оширишда конкрет шароит, вақтни ҳисобга олиш зарур. Айрим шароитда одоб-қоидаларининг барчасини амалга ошириб бўлмайди. Масалан, далада ишлаётганларга уватларда, экин ёқаларида овқатланишга тўғри келади. Бу шароитда ресторанлардаги расм-одатни ташкил қилишни талаб этиш мумкин эмас. Аслида, ҳар бир киши овқатланиш талабларига ўз халқининг асрлар оша сайқал топиб келган ўзини тута билиш расм одатларига амал қилиб конкрет шароитни ҳисобга олиб риоя қилиши зарур.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кўпгина кишилар одоб сақлаш қоидаларини жуда яхши биладилар, лекин уларни бажармайдилар ёки бажаришни эп кўрмайдилар. Унча мураккаб бўлмаган бу қоидаларни ўзлаштириб олиш қийин эмас, албатта. Қийинчилиги шундаки, бу одат-қоидаларни бажаришга кўникишда, уларни ўз табиатингга сингдириб юборишдадир. Бунинг учун озгина қатъият, ирода кучи керак, холос.

Ўзини тута билмайдиган, билишни ҳам истамайдиган кишилар атрофдагиларнинг асабига, ғашига тегади. Масалан, икки киши ўзаро гаплашиб турган бўлса, учинчи киши келиб, улар суҳбатига аралашса ёки, улар олдида безрайиб тураверса, бундай қилиқли одамга нисбатан «ошга пашша тушди», деган ибора ишлатилади. Бунинг устига у «кечирасизлар, мен сизларга ҳалақит бермадимми?» деб энсани қотиради. Бундай қилиқ шилқимликдир.

Инсонда одоб маданиятини тарбиялаш ўз мазмуни ва моҳиятига кўра яхши одатларни ўзлаштириш, ёмонларидан эса халос бўлиш демакдир.

Яхши одат бировларнинг кўрсатуви билан эмас, балки ўз истаги билан қилинса, ўша одат табиий бўлади. Ҳар бир киши бошқалар уни «одобли ахлоқли экан» дейишлари учунгина ҳаракат қилмаслиги керак. Одоб-ахлоқ нормаларининг характери, руҳиятига сингиб, одат тусига айланиб кетганда, у бу нормалардан ортиқ ҳаракат қила олмаслигини қалбдан ҳис қилгандагина ҳақиқий тарбияланган киши бўла олади.

***Тарбияланган, одобли киши қаерда бўлмасин, нима қилмасин, у доимо ўзининг хатти-ҳаракатларида, одат ва қилиғида соддалик ва камтарлик, самимийлик ва беғуборлик, табиийлик ва мақсадга мувофиқликни намоён қилади.***

**Фозилжон ИСМОИЛОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

*Компьютер — ҳар хонадонга*

## МУСТАҚИЛ ЎРГАНАЙ ДЕСАНГИЗ...

Жамиятимиз равнақи ва келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим ва малакасига боғлиқ. Шу мақсадда мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун замонавий илмларнинг бекиёс ривожида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Шундай экан, янгича, яъни ҳақиқий маънодаги мустақил ҳаёт кечириш учун аввало тафаккуримизни янгиламоғимиз ва дунёвий илмларни ўрганиб боришимиз зарур( Бу жараёнда ёш авлодга замонавий билимларни бериш, уларни компьютер техникасига буткул жалб этиш муҳим ўрин тутади.

«...Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этади» деб ёзган эди Г. Спенсер. Шундай экан, бизга улкан имкониятлар эшигини очувчи, ҳар соҳадаги ишимизни тез ва соз, аниқ ҳал этадиган компьютер техникасини мустақил ўрганишга ўзимизни чоғлашимиз зарур. Буни қандай амалга ошириш керак? Албатта махсус китоблар ёрдамида. «Виртех» Ўзбек — Россия — Америка Қўшма корхонаси томонидан чоп этган «IBM PC ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРДА ИШЛАШ» қўлланмаси шу жиҳатдан сизга энг яқин ёрдамчидир. Унда шахсий компьютернинг асосий қурилмалари, жараёнлар тизими, турли дастурлар билан ишлаш, матнларни таҳрир қилиш, файлларни архивлаш, вируслардан ҳимояланиш кўрсатмалари акс этган. Китобни ўқиш жараёнида бу ҳақдаги барча маълумотлардан огоҳ бўласиз.

Китобда компьютернинг қўшимча ва асосий қурилмалари, турли таҳрирлагичлар, дисклар билан ишлаш тартиблари ҳам келтирилган. Барча маълумотлар аниқ ва содда тилда, шунингдек расмлар ёрдамида акс эттирилгани учун ундан фойдаланаётган ўқувчидан махсус билим талаб этилмайди. «Шарқ концерни томонидан ўзбек тилида чоп этилган бу қўлланма ўқувчилар, талабалар, аспирантлар, турли соҳа эгалари ва умуман кенг оммага мўлжалланган. Аниқ дастур асосида яратилгани учун ҳам бу китобча сизнинг компьютерда ишлашни осонгина ўрганиб олишингизга имкон яратади.

«Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай» деган эди Имом ал-Бухорий. миллатимизнинг маънавий қиёфаси биз эгаллайдиган билимлар, янги давр учун қилинаётган фидокорликлар ва амалга оширилажак улкан бунёдкорлик ишларимизда акс этади. Ёруғ келажакка фақат илм йўли билан борилади. Замонавий илмлар эса бугунги ёшлар учун айниқса зарур. Уйингизда жажжи компьютерингиз борми? У ҳолда тезгина у билан ишлашни ўрганиб олинг. Шундагина келажак сари ўзингизга йўл очган бўласиз. Бу учун эса «IBM шахсий компьютерида ишлаш» қўлланмаси — сизнинг хизматингизда. Қўлланмани барча савдо шахобчаларидан сотиб олишингиз мумкин.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛОВА,**
**физика-математика фанлари номзоди.**

*Болаларингиз билан бирга ўқинг!*

## Zafar Diyor

O'zbek bolalar adabiyotining ko'zga ko'ringan vakillaridan biri Zafar Diyordir. U 1912 yili Namangan viloyatining Chust tumanida tug'ildi. Uning 4 yasharligida ularning oilasi Toshkentga ko'chib kelishdi. Avval eski maktabda, so'ng sho'ro davrida bolalar uyida ta'lim oldi. 1927 yilda Narimonov nomli o'zbek Erlar bilim yurtiga o'qishga kirib, uni 1933 yilda a'lo baholarda tugatib o'sha yerda adabiyot muallimi bo'lib xizmat qildi. 1941 yilda esa Toshkent Davlat Pedagogika oliy bilimgohini tugatdi.

Uning ijodi garchi erta boshlangan bo'lsada jo'shqin, mazmundor she'rlari respublika matbuotlarida chop etila boshladi.

''Qo'shiqlar'' nomli ilk she'riy to'plami 1933 yilda nashr etildi. 1938 yilda ''Tantana'', 1939 yilda ''Che'rlar'', 1942 yilda ''Bizning qurolimiz'',''Bizning oila'', 1944 yilda ''Sovg'a'', she'riy majmualari bosilib chiqdi.

Ikkinchi jahon urushi yillarida ''Ona allasi'',''Qurol bering menga ham'',''Orzu'',''Timurchilar maktubi'',''Otam kelar yaqinda'',''Tabassum'',''To'qqizinchi may'' kabi she'rlari yoshlarni qahramonlik, vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega.

U mohir shoir bo'lishi bilan birga bolalar dramaturgi ham edi. ''Baxtli yoshlik'',''Uch og'ayni'' p'esalarida do'stlik, birodarlik ardoqlanadi. Zafar Diyor 1946 yil 14 aprelda beyaqt vafot etdi.

Vafotidan so'ng ''Kichkina bog'bon haqida doston'' (1947),''Chaman'' (1948),''Gunafsha'' (1952), 1954 yilda ''Asarlar'', 1958 yilda ''Suv bilan suhbat'' kabi to'plam va saylanmalari nashr etildi.

**Sadoqat FAYZIYEVA**
**tayyorladi.**

*«Ишонч» устахонаси*

## ИГНАДОН


1-расм 2-расм

**Ушбу суратларда икки хил кўринишдаги игнадонларнинг намуналари кўрсатилган. 1 - расмда кўрсатилган игнадон ясси кўринишда бўлиб, икки бўлак газлама орасига паролон жойлаштириб тайёрланади. Бунинг учун расмда кўрсатилган андоза асосида жўжачанинг иккита умумий «тана»си газламадан қирқиб олинади. Бунда махсус гулли газламалардан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Тана орасига паролонни жойлаштириб бўлгач, расмда кўрсатилгандек жўжанинг тожи, қанотлари, тумшуғи ва оёғини жой-жойига қўйиб, тикиб чиқасиз.**

**2 - расмда кўрсатилган жўжача-игнадон эса ҳажмдор бўлиб, оволсимон кўринишда қирқилган икки бўлак танадан тайёрланади. Орасига эса топахта тиқилади. Дастлаб, газламани тескари томони бир-бирининг устига қўйилади ва тумшуқ ҳамда тожининг чокка қўшилиб тикилишини ҳисобга олган ҳолда уни шаклнинг ичига қўйиб, четлари тикиб чиқилиб, дум қисми ўрнатиладиган жойи тикмасдан қолдирилади. Ана шу жойидан шаклни ўнгига ағдариш осон бўлади. Бунда жўжанинг тумшуғи ва тожиси ўйинчоқнинг ташқарисида бўлиб қолади. Энди жўжанинг оёғи картондан қирқиб олиниб, ана шу андоза асосида қизил газламадан устига қоплама тайёрланади ва тикиб чиқилади. Жўжанинг думини жойига ўрнатиб, чатиб қўйсангиз, игнадон тайёр бўлади. Ҳар иккала игнадонда ҳам қанотларини яхлит газлама бўлагидан қирқиб тикиб қўйишингиз мумкин.**

**Ҳошим ЭГАМОВ**
**расм муаллифники.**

# Оила даврасида



***Бўз туманида эл-юрт ҳурматини қозонган ибратли оилалар жуда кўп. Турғунбой ҳожи Тўйчиевлар оиласи ҳам ана шундай пиру бадавлат оилалардан биридир. Оила бошлиғи Турғунбой ҳожи ўзининг бутун умрини ёшларни тарбиялашга бағишлади. Мактаб директори сифатида фаол иш олиб борди. Айни кунда Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, меҳрибон устознинг кўпдан-кўп шогирдлари бор. Турмуш ўртоғи Ўктамхон ая билан икки нафар қиз, етти нафар ўғилни вояга етказди. Улар ҳам ота-оналари каби меҳнатсевар бўлиб етишдилар. Оила йилининг бошланиши бу оила учун қувончли бошланди. Улар «Дамас» автомашинаси сотиб олдилар.***

**Суратда: Тўйчиевлар оиласи сайрга отланишмоқда.**

**Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Мамлакатлар: урф-одат ва анъаналар*

## НИКОҲ ШУНДАЙ ЎТАДИ

Покистонда ҳозирги никоҳ тўйлари қандай кечади? Бу савол кўпчиликни қизиқтирса керак.

Сизга айтсак, Покистонда оиладаги қиз болага бир меҳмон сифатида қарайдилар ва уни 11-15 ёшидаёқ бемалол эрга бериш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Куёв танлаш эса ота-она ёки катта ёшдаги қариндошларнинггина вазифаси бўлиб, улар қизнинг тақдирини унинг болалик чоғларидаёқ белгилаб қўядилар.

Никоҳ аҳди қаерда-шаҳарда ёки қишлоқда ўтишидан қатъи назар, бу маросимда олиқ-солиқ масаласи ҳал этилади. Бунда «маҳр» ажратиш одати жуда муҳимдир. Чунончи, эрнинг меросидан хотинга тегишли бўлган пул миқдори тўй бўлмасдан олдин белгилаб қўйилади. Хотинга тегишли бу ҳисса дахлсиз бўлиб, у эр-хотин ажралишганида, эр вафот этганда ёки бошқа айрим ҳолларда хотинга берилади.

Тўйдан олдин никоҳ маросими ўтказилади. Келиннинг уйини бу маросимга келган меҳмонлар босиб кетади. Тўйхона гўё катта темир йўл вокзалининг шовқин-суронини эслатади.

Унашиш келин билан куёвнинг қўлига узук солишдан иборат бўлган оддий бир маросимдир. Куёв оиласи томонидан совға қилингани жўра деб аталувчи чиройли либос кийган келиннинг ўнг қўлига бўлажак қайнона кумуш билакузук тақиб қўяди. Етти нафар ёш қиз келинни чақмоқ қанд ва мурчнинг бир хили бўлган бетел дарахти барги билан меҳмон қиладилар, гулчамбарлар билан безатиб, кўнглини хуш қиладилар. Кечқурун келиннинг ота-онаси худди шундай маросимни куёвнинг уйида ўтказади. Шу билан никоҳ маросими тугайди.

Қаллиғининг уйига келган ва одатга кўра, шу пайтгача уни кўрмаган куёв, ниҳоят, қаллиғининг аксини ойнада кўришга муяссар бўлади. Бундан олдин келинни кўкларга кўтариб мақташ, куёвни эса масхаралаш маросими ўтказилади. Хуллас, куёвни роса калака қилишади. Шундан кейин бошқа хонага олиб кетишади.Бўйи етган қизлар келин кирган хонанинг эшиги олдида тўпланишиб, куёв келишини кутиб туришади. Чунки куёв ўз қаллиғининг ёнига киришдан олдин уларга пул улашиб чиқиши керак.

Никоҳлаш маросими оддийгина куёв билан қаллиқ икки гувоҳ ҳузурида эр-хотин бўлишга рози эканликларини уч марта айтишади. Шундан кейин бу ерда ҳозир бўлган қози ва бошқа меҳмонлар куёв-келиннинг ҳақига дуо қиладилар. Шу билан никоҳ маросими тугайди.

Энди меҳмондорчилик бошланади, ҳаммага мева ва ширинликлар тортилади.

**Акбар АЛИЕВ**
**тайёрлади.**

*«Ишонч» тиббиётхонаси*

## ТАБИИЙ ДОРИХОНА

**Туркиялик тиббиёт олимларининг фикрича, биз истеъмол қиладиган турп ажойиб шифобахш хусусиятларга эга. Уни ҳар куни еб туриш киши организмида касалликларга қарши курашувчанлик қобилиятини ошириш билан бирга, танада канцероген моддаларнинг, холестериннинг камайишига, юрак хасталиги ва қандли диабетни даволашда ижобий таъсир кўрсатади.**

**Бундан ташқари турп дўхтирларнинг аниқлашларича жигар ва сийдик йўлларидаги микробларни йўқ қилиб, милкни бақувват қиларкан. Турпни қачон ва қандай миқдорда еса ҳам бўлаверади буни аҳамияти йўқ.**

## ЖУН ТЎШАКНИНГ ХОСИЯТИ

Газетхонларимиздан бири бизга мактуб йўллаб чақалоғи тез-тез уйғониб, дам-бадам йиғлаши, бу ҳодисани қўшнисига айтса у хотин қўй терисидан тайёрланган тўшакчага ётқизиб кўринг, деб маслаҳат берганини айтиб, шу тўғрими деб сўраган.

Қадим-қадимдан қариялар (айниқса (қишлоқларда яшовчилар) қўй терисидан тикилган нимча кийиб юришни одат қилишган. Чала туғилган болаларни қўй терисидан тикилган махсус мослама ва ё қалпоқчага солиб катта қилиш ханузгача сақланиб қолган. Бу одатга баъзи даврларда бошқача кўз билан қараганлар ҳам бўлган, балки ҳозир ҳам бордир. Бироқ америкалик медик-олимларнинг ўн беш йиллик тажрибаларининг натижаси юқоридаги усулнинг нақадар фойдали эканлигини яна бир марта исботлади. Қўй терисидан тайёрланган тўшакчаларга ётқизилган чақалоқлар кам йиғлар, этларига эт тез қўшилар экан. Уларда аллергия содир бўлмади. Қўй терисидан тайёрланган тўшакларни ноёб хусусиятининг боиси унда бошқа ҳайвон терисидагидан ланолиннинг кўплигидадир.

Шунинг учун ҳам болалар шамоллаган ёки гайморит бўлганида уларни ана шундай пўстинларга ўрашган. Бундай тўшак уларда ётган бемор танасидаги намликнинг 33 фоизини сўриб олади, ҳолбуки, пахта — 8 фоизини олса, синтетика умуман сўриб олмайди. Бунинг устига ундаги намлик тез ҳавога кўтарилиб, тезда қурийди. Унинг яна бир хусусияти бод касали безовта қилганларни тинчлантиради, синган-чиққан, яраланган жойларни тезроқ битишига ёрдам беради.

## ШАЙХ САЪДИЙ ЎГИТЛАРИДАН

**Бир ҳакимдан сўрадилар:- Шижоат билан саховатдан қайси бири яхшироқдир?**

**Ҳаким деди:- Кимки саховатли, яъни сахий бўлса, шижоатга ўрин қолмайди. Сахий бўлишликнинг ўзи шижоатдир.**

**Баҳромгўр қабрига шундай ёзилган экан:**
**«Саховатли киши кучлироқ билаги зўрдан».**

***

***Яхшилар доимо пок йўлдан юрур,***
***Қўли калталарга кўп ёрдам қилур.***
***Улар яхшиликнинг бандаларидур,***
***Уларсиз бу ҳаёт беравнақ бўлур.***

***

***Қандай яхши айтмиш Иброҳим Адҳам:***
***Бойликка асло ҳирс қўйма, бўл Ҳотам.***
***Киши гар бойликка қўйсачи кўнгул,***
***Кейин кўнгил узиш бўлар кўп мушкул.***

***

***Хокдан яратмишдир худованди пок,***
***Камтаринлик ила бўлгин мисли пок.***
***Хасису молпараст ва саркаш бўлма,***
***Тупроқдандир жисминг, ўт-оташ бўлма.***

***

***Хушхулқ кишига қаттиқ гапирма,***
***Тинчлик истаса, жангга чақирма.***

***

***Гўдак ҳайдолмагай гар пашша қўнса,***
***Катта бўлганида қодирдир бунга.***
***Ёшлар шукур қилсин ёшлик замони,***
***Кекса қадрин билур кексайган они.***

*Уй бекаларига*

Сут пишириладиган идишни совуқ сувга чайиб, кейин сут солиб олов устига қўйсангиз таги куймайди.

***

**Пишаётган сутга бир чақмоқ қанд ташлаб юборсангиз, сут одатдагидан узоқроқ сақланади.**

***

Ёғлиқ озиқ-овқат ва мойни полиэтилен халтачаларда сақлаш мумкин эмас, маҳсулот тез ҳидланиб, сифати бузилади.

***

**Шўрвага солинган картошка эзилиб кетмасин десангиз, бир неча ерига вилка суқиб олинг.**

***

Овқат шўр бўлиб қолса, 2-3 дона арчилган картошкани овқатга солиб қайнатинг. Картошкани пишишига яқин сузиб олсангиз, овқатнинг тузи расо бўлади.

***

**Қайнатиб пиширилган гўшт мазали ва ширадор бўлсин десангиз, гўштни қайнаб турган сувга солинг.**

***

Агар туздонга бир неча дона гуруч ташлаб қўйсангиз,туз доим қуруқ сақланади.

***

**Жунли рўмолингизни куядан асрамоқчи бўлсангиз, банкага солиб,оғзини қопқоқ билан беркитиб қўйиш ҳам мумкин экан.**

